

лантириш индекси (*ICT Development Index - IDI*)ни ўлчайди. АКТни ривожлантириш индекси АКТни ривожлантириш бўйича мамлакат ютуқларини ўлчайдиган комбинация-

лашган кўрсаткичдир. 2007 йилдан бошлаб 11 та кўрсаткич асосида ушбу индекс ҳисоблаб чиқилади ва чоп этилади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаати. Ўзбекистон Республикаси расмий веб-сайти *Послание президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. Официальный веб-сайт. [Электрон ресурс] URL: <https://president.uz/ru/lists/view/2228>. (мурожаат муддати 10.09.2019).*
2. «Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати» 2018 йил январь-декабрь. 192-бет. ЎЗР Давқўмстат расмий сайти [Электрон ресурс] URL: <https://stat.uz/uploads/doklad/2018/yanvar-dekabr/ru/doklad-yan-dekabr-ru.pdf>. (мурожаат муддати 10.09.2019).
3. Digital 2019: Usbekistan. [Электрон ресурс] URL: <https://datareportal.com/reports/digital-2019-uzbekistan>. (мурожаат муддати 10.09.2019).
4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги статмаълумотлари. Расмий сайт. [Электрон ресурс]. URL: <http://www.mtc.uz/ru/stat/2-12>. (Дата обращения 10.09.2019).
5. Алоқ инфратузилмаси ривожланишининг таҳлили. ЎЗР Давқўмстат расмий сайти [Электрон ресурс]. URL: <https://stat.uz/uploads/docs/Svyaz17-ru.pdf>. (Дата обращения 10.09.2019).
6. T.Z. Teshabayev, S.H.I. Bobokhujayev, Z.M. Otakuziyeva. Specificity of conceptual development of information economy in Uzbekistan. Curran Associates, Inc. Red Hook, NY USA, 2019, p.48-55.
7. T.Z. Teshabayev, S.H.I. Bobokhujayev, Z.M. Otakuziyeva. Problems and Prospects of Creation of Digital Ecosystem in Postal Service of Uzbekistan. *Advances in Social Science, Education and Humanities Research*, Paris, Atlantis Press, 2018, p. 112-118.
8. Отақўзиева З.М., Бобоқўжаев Ш.И. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш тенденциялари ва Ўзбекистон қорхоналарида АКТларни татбиқ этиш муаммолари // Журнал «Иқтисодиёт ва таълим» №6, 2019.
9. Отақўзиева З.М., Бобоқўжаев Ш.И. Развитие цифровой экономики в Узбекистане и проблемы внедрения ИКТ в предприятиях // Журнал *Biznes-Эксперт* 11 (143) – сон, 2019.
10. Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура / [Пер. с англ., под науч. ред. О.И. Шкаратана]. – М.: ГУВШЭ, 2000. - 608 с.
11. Индикаторы цифровой экономики: 2017: статистический сборник / Г. И. Абдрахманова, Л. М. Гохберг, М. А. Кевеш и др. Нац. исследовательский университет «Высшая школа экономики». – М.: НИУ ВШЭ, 2017. – 320 с. [Электронный ресурс]. URL: <https://www.hse.ru/data/2017/08/03/1173504122/ICE2017.pdf>. (Дата обращения 31.3.2020г.).
12. Система критериев предложена на основе изучения методик построения рейтинговых показателей.
13. Рейтинг стран мира по уровню развития информационно-коммуникационных технологий/ [Электронный ресурс]. URL: <https://gtmarket.ru/ratings/ict-development-index/ict-development-index-info>. (Дата обращения 31.3.2020г.).
14. Рейтинг стран мира по уровню развития электронного правительства/ [Электронный ресурс] URL: <https://gtmarket.ru/ratings/e-government-survey/info>. (Дата обращения 31.3.2020г.).
15. Индекс сетевой готовности/ [Электронный ресурс]. URL: <https://gtmarket.ru/ratings/networked-readiness-index/networked-readiness-index-info>. (Дата обращения 31.3.2020г.).

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Абдувалиев Абдулазиз Абдувалиевич –
ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожланти-
ришнинг илмий асослари ва муаммолари» ИТМнинг илмий
ишлар бўйича директорнинг ўринбосари, и.ф.н., к.и.х.**

Аннотация. Мақолада иқтисодиёти ривожланган, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда рақамли технология бозорларининг ривожланиш прогнози, инвестициялар амалга ошириладиган технологиялар, аҳоли томонидан интернетдан фойдаланиш мақсадлари ҳамда уй хўжалиқларининг интернетдан фойдаланиш имкониятлари таҳлиллари амалга оширилган.

Таянч иборалар. давлат, иқтисодиёт, рақамли иқтисодиёт, рақамли технология, бозор, инвестиция, компания, платформа.

Аннотация. В статье анализируется прогноз развития рынков цифровых технологий, инвестиции в цифровые технологии, цели использования интернета населением а также доступ к интернету для домашних хозяйств в развитых странах, развивающихся странах и в странах с переходной экономикой.

Ключевые слова. государство, экономика, цифровая экономика, цифровые технологии, рынок, инвестиции, компании, платформа.

Annotation. The article analyzes the forecast of the development of digital technologies markets, investments in digital technologies, the goals of using the Internet by the population, as well as access to the Internet for households in developed countries, developing countries and countries with economies in transition.

Key words. government, economy, digital economy, digital technology, market, investment, company, platform.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномада, 2020 йил “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб номлаб: “Тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш йўналишлари ва тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради. Зеро, бугун дунёда барча соҳаларга ахборот технологиялари чуқур кириб бормоқда”[1] деб алоҳида таъкидлаганлар.

Миллий иқтисодиётимизнинг рақамли иқтисодиётга ўтказишдаги ислохотлар сўнги бир неча йиллардан буён фаол амалга оширилмоқда ва унинг мустаҳкам норматив-ҳуқуқий замини яратилмоқда, улар жумласидан:

- “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сонли фармони;

- “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли қарори;

- “Рақамли ишонч” рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 сентябрдаги ПҚ-3927-сонли қарори;

- “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сонли қарори;

- “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сонли қарори.

Қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қаторида давлат томонидан инвестицион иқлимни такомиллаштириш борасида ҳам ислохотлар фаол амалга оширилмоқда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг маълумотларига кўра 2020-2022 йй. қисқа фурсатларда, ахборот технологиялари ва комму-

никацияларни ривожлантириш тармоқларига жами 676,8 млн. доллар хорижий инвестицияларни жалб қилиниши режалаштирилган. Инвестицияларнинг 178,7 млн. доллари 2020 йилда жалб қилинади ва уларнинг 139,2 млн. доллари хорижий инвестициялар ва давлат кафолати остидаги хорижий кредитлар 37,5 млн. долларни ташкил этади. 2021 йилда ушбу кўрсаткич 241,7 млн. долларни ташкил этади, улардан тўғридан-тўғри инвестициялар 171,9 млн. долларни ва 67,7 млн. доллар давлат кафолати остидаги кредитларни ташкил этади. Ҳамда 2022 йилда жами инвестициялар ҳажми 256,4 млн. долларни ташкил этган ҳолда, уларнинг 180,1 млн. доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва 73,1 млн. доллари давлат кафолати остидаги кредитлар ташкил этади. Иқтисодиётимизда рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантиришда жами 35 та устувор лойиҳалар жами 17,6 трл. сўмга амалга оширилиши режалаштирилган ва уларнинг 44,8% тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кафолатланмаган кредитлар ҳамда 33% давлат кафолати остидаги кредитлар[12].

Албатта, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва соҳанинг мақбул инвестицион иқлимини яратиш борасида миллий иқтисодиётимизнинг деярли барча соҳалари ва йўналишлари рақамли иқтисодиётга фаол тарзда ўтишидаги пойдевор вазифасини бажаришга қаратилгандир. Аммо, мазкур ислохотларнинг замири, бугунги кунда қисқа фурсатларда ва шиддат билан жаҳон бозорида бўлаётган ўзгаришлар ва унга рақамли технологияларнинг таъсир кўрсатишининг сабаблари ва оқибатларини, ҳамда истиқболда кутилаётган натижаларни ўрганиш ва шунинг асосида тегишли хулосаларни шакллантиришга асосланиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса фақат жаҳон бозоридаги ўзгаришларни мунтазам ўрганиб бориш ва таҳлил қилишга таяниш зарур.

Рақамли иқтисодиётнинг фаол тарзда ривожланиши жаҳон иқтисодиётининг таркибига тобора ўзгартиришлар киритиб уни янги сифатли даражада ривожланишининг асосий тенденциялардан бирига айланиб бормоқда. Чунки тобора, мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши рақамли технологиялар ва билимларга асосланиб бормоқда, унинг асосида эришилган натижалар, истиқболда жаҳон иқтисодиёти субъектларининг асосий барқарорлик манбаига айланган ҳолда оқибатда рақамли технологиялар жаҳон иқтисо-

диётининг географияси, инвестицион ва савдо оқимларига таъсир кўрсатган ҳолда бугунги кунга қадар фаолият кўрсатиб келган асосий тамойилларини ўзгартириб бормоқда.

Рақамлаштириш глобал иқтисодиётнинг иқтисодий ўсишининг муҳим омилига айланмоқда. Бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида ва миллий иқтисодиётларда, рақамли технологияларнинг жорий қилиниши комплекс тарзда рақамли экотизимларни яратишга асос солмоқда. Мазкур тренд барча мамлакатларда рақамлаштириш жараёни иштирокчиларини – давлат органлари, бизнес, таълим

муассасалари, саноат корхоналари ва молиявий тузулмаларнинг самарали алоқадорликларни ташкил қилиш зарурлигини билдиради. Ўз навбатида, мутахассислар томонидан қисқа даврдаги истиқболда рақамли технологиялар бозорларини ривожланиш прогнозлари шакллантирилмоқда, жумладан, мутахассислар томонидан 2025 йилга қадар катта маълумотларнинг бозор ҳажми 78 млрд. долларга, робот техника бозорининг ҳажми 80 млрд. долларга, сунъий интеллект бозор ҳажми 151 млрд. долларга ўсиши прогнозлари амалга оширилган (1-жадвал).


1-жадвал

Жаҳон бўйича 2020-2025 йй. рақамли технологиялар бозорларининг ривожланиш прогноз кўрсаткичлари (млрд. доллар ҳисобида)[2]

Рақамли технологиялар	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.	2024 й.	2025 й.
Катта маълумотлар ҳажми (Big Data)	54	65	77	92	110	132
Квант технологияларнинг ҳажми	1,48	1,95	2,57	3,38	4,45	5,85
Робот техника бозорининг ҳажми	67	78	91	107	126	147
Сунъий интеллект бозор ҳажми	40	55	75	102	140	191
Компьютер инжиниринг бозори ҳажми (трлн. долл.)	2,19	2,3	2,41	2,53	2,66	2,79
Саноат интернет бозорининг ҳажми	274	350	447	572	731	934
Блокчейн бозорининг ҳажми	1,18	3,1	5,4	9,3	16,2	28,3

Яқин истиқболда бундай кескин ўсиш кўрсаткичларига эришишга фикримизча мазкур соҳаларга фаол равишда киритилаётган инвестицияларнинг роли жуда катта. Бу борада “PricewaterhouseCoopers” (PwC) компа-

ниясининг таҳлилий маълумотларига кўра қисқа 3 йиллик даврда рақамли иқтисодиётнинг асосини ташкил этувчи барча йўналиш ва соҳаларга киритилаётган инвестицияларнинг кескин ўсиши кузатилган (1-расм).



1-расм. Инвестициялар амалга ошириладиган технологиялар (2017-2020 йй. PricewaterhouseCoopers маълумотларига кўра)[3]

PwC компанияси мутахассисларининг фикрига кўра, турли технологияларга амалга ошириладиган инвестицияларнинг даражаси иқтисодиёт тармоқларида уларга шаклландирилган талаблар ва уларнинг бизнес-моделларидан келиб чиқилган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу борада харажатларнинг салмоқли улуши “илғор” деб ҳисобланган ва харажат-

ларни қисқартиришга хизмат қиладиган технологияларга йўналтирилмоқда. Масалан, ишлаб чиқариш компаниялари кўпроқ робот техникаларига ва 3D-принтерларга қизиқиш билдирилган бўлса, молия секторида блокчейн технологияларига устуворлик берилган, шунингдек, энг катта ўзгаришлар, интернет

буюмлар ва сунъий интелект технологияларида кутилаётгани эътироф этилган[3].

Белгилаш лозимки, рақамли иқтисодиёт соҳасида фаолият кўрсатаётган олим ва мутахассисларнинг эътирофларига кўра, жаҳон иқтисодиётида рақамли иқтисодиётни ривожлантирувчи энг асосий куч бу жамиятнинг Интернетдан ҳаётнинг барча жабҳаларида (маданий хордиқ чиқариш, ижтимоий соҳа, молиявий-иқтисодий муносабатлар ва бошқалар) кенг фойдаланишга асосланганлиги ҳисобланади. Бу борада таҳлилий маълумотларга кўра, сўнгги 19 йилда интернетдан фойдаланувчиларнинг сони 15 маротабага

ортган, агарда 2000 йилда дунё бўйича уларнинг сони 260 млн. кишини ташкил этган бўлса, 2005 йилда 1 млрд. кишини ва 2018 йилда эса дунё аҳолисининг 51,2 % ёки 3,9 млрд. киши фойдаланган[4]. Бугунги кунда мутахассислар томонидан аҳолининг интернетдан фойдаланиш кўрсаткичлари янада чуқурроқ таҳлиллари амалга оширилаётган бўлиб бу жамиятнинг интернетдан тобора унумли фойдаланиш имкониятларини очиб бермоқда, яъни, даромад топиш манбаи сифатида фойдаланилаётганлиги эътиборга молик (2-жадвал).

2-жадвал

2018 йилда айрим иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда аҳоли томонидан интернетдан фойдаланиш мақсадлари таҳлили (сўнгги 3 ойда интернетдан фойдаланган жами 15-74-ёшдаги аҳолига нисбатан % ҳисобида)[2]

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар	Ижтимоий тармоқларда иштирок этиш	Онлайн китоблар, газеталар ва журналларни юклаб олиш	Молиявий операцияларни амалга ошириш	Ваканцияларни излаш
АҚШ	76		68	22
Буюк Британия	74	72	78	25
Германия	57	74	64	20
Италия	63	56	46	19
Исландия	73	95	95	22
Нидерландия	76	80	94	26
Норвегия	84	93	96	26
Франция	48	61	72	19
Швеция	76	88	91	29
Жанубий Корея	72	94	66	15
Швейцария	56	79	70	28

2-жадвал маълумотларига кўра, таҳлил қилинаётган мамлакатларда аҳоли томонидан интернетдан фойдаланишнинг асосий мақсадлари, яъни, ижтимоий тармоқларда иштирок этиш, онлайн китоблар, газеталар ва журналларни юклаб олиш, молиявий операцияларни амалга ошириш ҳамда ваканцияларни излаш каби муҳим кўрсаткичлар олинган. Мазкур таҳлилда асосан 15 ёшдан 74 ёшгачан бўлган аҳоли жами аҳолига нисбатан фойизи ҳисобланган. Таҳлил натижаларига кўра, энг юқори ўртача кўрсаткич онлайн китоблар, газеталар ва журналларни юклаб олиш (79) ташкил этган, кейинги ўринда молиявий операцияларни амалга ошириш (76), ижтимоий тармоқларда иштирок этиш (68,6) ҳамда ваканцияларни излаш (23) эгаллаган. Таҳлил қилинаётган барча кўрсаткичларнинг ўртача йиғиндиси бўйича мамлакатлар кесимида энг юқори кўрсаткич Норвегияга тўғри келган (75), кейинги ўринларда Исландия ва Швеция (71), Нидерландия (69) ва бошқалар. Шунингдек, таҳлил қилинаётган мамлакат-

ларда ижтимоий тармоқларда иштирок этиш бўйича энг юқори кўрсаткич Норвегияда – 84%ни ташкил этган, онлайн китоблар, газеталар ва журналларни юклаб олиш бўйича 3та мамлакатда 90 %дан ошиқни ташкил этган, Исландия (95 %), Жанубий Корея (94 %) ҳамда Норвегия (93 %). Молиявий операцияларни амалга оширишда интернетдан фойдаланишнинг 90 %дан ошиқ кўрсаткичи 4 та мамлакатга тўғри келган, Норвегия (96 %), Исландия (95 %), Нидерландия (94 %) ҳамда Жанубий Корея (91%). Ваканцияларни излаш бўйича нисбатан юқори кўрсаткич Швецияда (29 %), Швейцарияда (28 %) ташкил этган.

Интернетдан фойдаланиш кўрсаткичига мобил интернетдан фойдаланиш кўрсаткичларини ҳам киритиш мумкин, жумладан, 3G ва 4G тармоқлари. Айниқса ушбу кўрсаткич иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда тобора ортиб бораётганлиги кузатилади. Масалан, 2019 йилнинг февраль ойидаги кўрсаткичларга кўра, Осиёда мобиль-интернет трафик умумий интернет трафикга нис-

батан 60,1 %ни ташкил этган, Африкада ушбу кўрсаткич 54,1 %ни ташкил этган[5].

Аҳоли томонидан интернетдан фойдаланиш мақсадлари айрим иқтисодиёти ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётидаги мам-

лакатлар кўрсаткичларининг таҳлилига кўра, аксарият мамлакатларда иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар сингари юқори на- тижалар кузатилган (3-жадвал).

3-жадвал

2018 йилда айрим иқтисодиёти ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда аҳоли томонидан интернетдан фойдаланиш мақсадлари таҳлили (сўнгги 3 ойда интернетдан фойдаланган жами 15-74-ёшдаги аҳолига нисбатан % ҳисобида)[2]

Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар	Ижтимоий тармоқларда иштирок этиш	Онлайн китоблар, газеталар ва журналларни юклаб олиш	Молиявий операцияларни амалга ошириш	Ваканцияларни излаш
Болгария	79	74	11	10
Туркия	84	68	40	10
Словения	61	77	53	17
Словакия	74	77	62	20
Польша	64	79	57	15
Венгрия	86	85	54	18
Россия	78	23	39	8
Греция	73	87	38	22
Латвия	74	84	79	20
Литва	73	93	76	16
Чехия Республикаси	64	91	72	6
Эстония	69	90	90	23

3-жадвал маълумотлари таҳлилига кўра, 2018 йилда айрим иқтисодиёти ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда энг юқори ўртача кўрсаткич онлайн китоблар, газеталар ва журналларни юклаб олиш (77) ташкил этган, кейинги ўринда ижтимоий тармоқларда иштирок этиш (73,2), молиявий операцияларни амалга ошириш (55), ҳамда ваканцияларни излаш (15) эгаллаган. Таҳлил қилинаётган барча кўрсаткичларнинг ўртача йиғиндиси бўйича мамлакатлар кесимида энг юқори кўрсаткич Эстонияга тўғри келган (68), кейинги ўринларда Латвия ва Литва (64), Венгрия (60) ва бошқалар.

Шунингдек, таҳлил қилинаётган мамлакатларда ижтимоий тармоқларда иштирок этиш бўйича энг юқори кўрсаткич Венгрияда – 86 %ни ташкил этган, онлайн китоблар, газеталар ва журналларни юклаб олиш бўйича 3 та мамлакатда 90 %дан ошқни ташкил этган, Литва (93%), Чехия Республикаси (91%) ҳамда Эстония (90%). Молиявий операцияларни амалга оширишда интернетдан фойдаланишнинг 90 %лик кўрсаткичи Эстонияга тўғри келган бўлса, кейинги ўринларда Латвия (79%), Литва (76%) ҳамда Чехия Республикасига (72%) тўғри келган. Ваканцияларни излаш бўйича нисбатан юқори кўрсаткич Эстонияда (23%), Грецияда (22%) ҳамда Латвияда (20%) ташкил этган.


Рақамли иқтисодиётнинг тобора ривожланишини асословчи яна бир муҳим бўлган кўрсаткичлардан бири бу уй хўжаликларида интернетдан фойдаланиш кўрсаткичи келтириш мумкин. Бунда мутахассислар томонидан мамлакатлар кесимида уй хўжаликларида интернетдан фойдаланиш имкониятлари жами уй хўжаликларга нисбати таҳлил қилинган (2-расм).

2-расм маълумотларига кўра, айрим иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда уй хўжаликларининг интернетдан фойдаланиш кўрсаткичи деярли 100%га яқинлашган, улар жумласидан, Жанубий Корея, Исландия, Нидерландия, Норвегия, Буюк Британия, Швейцария. Шу билан бирга таҳлилларга кўра, айрим иқтисодиёти ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда ҳам уй хўжаликларининг интернетдан фойдаланиш имкониятлари ривожланган мамлакатларга нисбатан юқорилиги кузатилади, улар жумласидан, Эстония, Чехия, Словения.

Амалга оширилган таҳлиллар асосида хулоса қилиш мумкинки, сўнгги бир неча йиллардан буён миллий иқтисодиётимизни рақамлаштириш борасида давлат томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, электрон ҳужжат айланиши тизимлари жорий этилмоқда, давлат органлари ва бошқа ташкилотларда электрон ҳужжат

алмашинуви ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатиш учун электрон тижорат тизимлари босқичма-босқич жорий этилмоқда, соҳани ривожлантиришга йўналтирилган инвестицион иқлимни такомиллаштириш бўйича ислохотлар фаол амалга

оширилмоқда. Мазкур натижаларнинг асосини шубҳасиз мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни шакллантириш учун ҳукумат томонидан яратилаётган мустақкам норматив-ҳуқуқий замин таъминламоқда.



2-расм. 2018 йилда айрим иқтисодиёти ривожланган, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларда уй хўжалиқларининг интернетдан фойдаланиш имкониятлари[2]

** (жами уй хўжалиқларига нисбатан % ҳисобида)*

Албатта, қабул қилинаётган мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар ва соҳанинг мақбул инвестицион иқлимни яратиш борасида миллий иқтисодиётимизнинг деярли барча соҳалари ва йўналишлари рақамли иқтисодиётга фаол тарзда ўтишидаги пойдевор вазифасини бажаришга қаратилгандир. Аммо, мазкур ислохотларнинг замири, бугунги кунда қисқа фурсатларда ва шиддат билан жаҳон бозорида бўлаётган ўзгаришлар ва унга рақамли технологияларнинг таъсир кўрсатишнинг сабаблари ва оқибатларини, ҳамда истиқболда кутилаётган натижаларни ўрганиш ва шунинг асосида тегишли хулосаларни шакллантиришга асосланиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, бугунги кунда деярли барча, иқтисо-

диёти ривожланган, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатлар ўз иқтисодиётларини рақамли иқтисодиётга қисқа даврларда ўтказиш бўйича кенг қамровли ислохотлар ва чора-тадбирларни фаол тарзда амалга оширишмоқда. Бунинг асоси сифатида, рақамли иқтисодиётни шакллантиришнинг муҳим кўрсаткичлари бўлган рақамли технологиялар бозорларининг ривожланиш прогнози, инвестициялар амалга оширилаётган технологиялар, аҳоли томонидан интернетдан фойдаланиш мақсадлари таҳлили ҳамда уй хўжалиқларининг интернетдан фойдаланиш имкониятлари таҳлиллари аксарият мамлакатлар бўйича ижобий тенденциялар кузатилганлигини белгилаш мумкин.

Манба ва фойдаланилган манбаалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил 24 январь. Халқ сўзи газетаси 25 январь 2020 йил.
2. Индикаторы цифровой экономики: 2019. Статистический сборник / "Высшая школа экономики". – М.: НИУ ВШЭ, 2019. С.222-228
3. Всемирное исследование Digital IQ за 2017 год. Цифровое десятилетие. В ногу со временем // PwC (PricewaterhouseCoopers) [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://www.pwc.ru/ru/publications/global-digital-iq-survey-rus.pdf>.
4. Measuring the Information Society Report 2018. Volume 1. – Geneva: ITU, 2018. P.13.
5. Mobile internet traffic as percentage of total web traffic in February 2019, by region // Statista [Electronic resource]. – Mode of Access: <https://www.statista.com/statistics/306528/share-of-mobile-internet-traffic-in-global-regions/>.
6. PricewaterhouseCoopers, 2018, Global Top 100 Companies by Market Capitalization: 31 March 2018 Update (London).
7. Digital Dividends: World development rep. 2016. URL: <http://www.worldbank.org/en/publication/wdr2016>.
8. Competition Committee of Organisation for Economic Cooperation and Development: The Digital Economy. 2012 // Competition Law & Policy. 2013. Feb. 7. URL: <http://www.oecd.org/daficompetition/The-Digital-Economy-2012.pdf>.
9. Federal Cartel Office, Germany, 2018, Bundeskartellamt initiates abuse proceeding against Amazon, Press release, 29 November.
10. Ekbia H., Nardi B. Heteromation, and Other Stories of Computing and Capitalism. MIT Press, 2017. URL: <https://mitpress.mit.edu/books/heteromation-and-other-stories-computing-and-capitalism>; Brynjolfsson E., McAfee A. The Second Machine Age: Work, Progress, and Prosperity in a Time of Brilliant Technologies. W.W. Norton, 2014. URL: <http://books.wwnorton.com/books/the-second-machine-age/>.
11. Stiglitz J. Monopoly's New Era // Project Syndicate. 2006. May 13. URL: <https://www.project-syndicate.org/commentary/high-monopoly-profits-persist-in-markets-by-joseph-e-stiglitz-2016-05>.
12. <https://podrobno.uz/cat/economic/uzbekistan-za-tri-goda-nameren-privlech-syvshe-670-mln-dollarov-inostrannykh-investitsiy-v-razvitie/>